

НАВБАТДАГИ «АЙБЛАНУВЧИ» ФАОЛ - НАМАНГАНЛИК ҚУДРАТ РАСУЛОВ

Ўзбекистонда ҳуқуқ фаоллари ва очиқ фикрлиларни қамаш, уларни фаолиятларини тўхтатиш учун турли айбловлар билан жазолаш урфга айланиб қолди. 21 сентябрь куни хабар берганимиздек, Урганчлик журналист Сергей Наумов “майда безорилик” айби билан 12 суткага қамалган эди. Ундан сўнг Тошкентда “Эрк” партияси ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоли Фахриддин Тиллаев маъмурий жазого тортилди



Куни кеча “Фаргона” манбаси 7-сентябрь куни Наманганда, 1970йилда туғилган, Баҳор кўчаси 25 уйда яшайдиган Қудратбек Расулов камокқа олинган. “Фаргона”нинг манбасига кўра, унинг айби бир муҳолиф сайтидан айни режими калака килувчи видеони кўчириб олиб, кўшнисига (исмини очикламади) кўрсатганлиги. Айнан мана шу иш ҳуқуқнинг унга нисбатан бу жазони кўллашига сабаб бўлган.

Қудрат Расулов бир неча марта ОАВ лари орқали ўзининг муҳолиф фикрини, Наманганда бўлаётган ҳуқуқий қонунбузарликлар хақида мақолалар ёзганлиги маълум. Аслида Расуловнинг бўйнига илинган айб Ўзбекистон қонунларига хилоф эмас ва жиноят ҳисобланмайди.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, мана 18кундирки Қ.Расулов Наманган шаҳар Миллий Хавфсизлик Хизмати

(МХХ)нинг камогиди ва кийноқнинг барча халқаро нормаларига зид равишда ушлаб турилибди. Расуловга адвокат берилмаганлиги айни пайтда ишни кийинлаштиряпти.

МХХ давлатнинг энг ёпиқ структураси эканлиги ва улар ушлаб турганларнинг ҳағтоки, энг яқин одамларини ҳам учраштирамаслиги барчага маълум.

“Фаргона”

Халқаро ахборот агентлиги

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕРИМЧИ ЎҚУВЧИ ҚИЗ ЎЗИНИ ОСДИ



Озодлик радиоси хабарига кўра, Нукус шаҳридаги 1-Тиббиёт коллежининг 2-курсиди таҳсил олган ўқувчи Малика Ембергенова ётоқда ўзини осиб кўйди. Тахтакўпир туманидаги масъул идоралардан олинган маълумотларга кўра, 17 яшар ўқувчи кизнинг ўз жонига қасд қилиши сабаблари ҳозирча номаълум.

Нукус шаҳридаги 1-Тиббиёт коллежининг 2-курсиди таҳсил олган Ембергенова Малика Дарёбоевна Тахтакўпир туманидаги ётоқда ўз жонига қасд қилди.

Мутасадди ташкилотлардан йиғилган маълумотларга кўра, ҳодиса 23 сентябрь куни Тахтакўпирнинг Атакўл қишлоқчасидаги хонадонда содир бўлган.

«У киз ўша ёққа пахта тергани борган ва ўша ердаги хонадонлардан бирида ётоқда турган. Ўша ҳовлида бўлган бу иш. Атакўл селсовети, деб кўйишади у жойни. У киз ўзини осиб кўйган, сабаблари ҳеч кимга маълум эмас», деди муҳбир билан микрофонсиз суҳбатда

Тахтакўпир туманидаги мутасадди идоралардан бирининг исмини ошкор қилмаётганимиз вакили.

Расмий марҳуманинг 1996 йилда Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманидаги Казанкеткен қишлоғида туғилгани хақида Озодликка тушган маълумотларни тасдиқлади.

Айни дамда Тахтакўпир тумани прокуратураси Малика Ембергенованинг ўлими юзасидан суриштирув олиб бормоқда. «Кизнинг жасади ёриб кўрилган, тиббий-экспертиза, как следует, ўтказилган. Лекин ҳаммаси топтоза, ҳеч қанақа мотив йўқ. Хат-пат ҳам қолдирмаган», дея кўшимча қилди тахтакўпирлик мутасадди.

Тахтакўпир тумани ҳокимлигининг ҳодисани тасдиқлаган расмийси фожеани пахта теримига боғлаш нотўғри, дея кўшимча қилди.

«Пахтага алоқаси йўқ, у киз ўзини ўзи осиб кўйган, хонадонда», дея гапни қиска қилди туман ҳокимлиги расмийси. Нукус шаҳридаги касб-хунар коллежларидан бирининг исми сир қолиши шарт билан Озодликка маълумот берган раҳбарига кўра, Тахтакўпир туманига теримга олиб чиқилган коллеж ўқувчилари аҳоли уйларига жойлаштирилган.

«Шу одамларнинг уйларига бўлиб берилганда, 3-4 тадан қилиб. Ўша уйлардан туриб, пахтага бориб-келишади. Унака

дала шийпонларда ётоқ, деган нарсалар йўқ у ерда», деди Нукусдаги коллежнинг исмини ошкор қилмаётганимиз раҳбари.

Касб-хунар таълим муассасалари ходимларидан олинган маълумотларга кўра, Қорақалпоғистонда ҳам коллеж ўқувчилари ёпасига пахта теримига олиб чиқилган. Жумладан, Нукус темир йўллари транспорти касб-хунар коллежи қабулхонасида телефон гўшагини кўтарган ходим: «Ҳамма пахтада, бирорта ўқувчи қолмаган, ўқитувчилар ҳам пахтада, қандай савол бўлса, пахтадан кейин звонит қилинг!» деб жавоб берди.

Нукусдаги умумий таълим мактабларидан бирининг ўқитувчиси Абдурахмон Солиевга кўра, бу йилги йиғим-теримга аҳолини оммавий сафарбар қилиш кампанияси ўтган йилгига нисбатан кескинроқ ўтмоқда.

«Етти ёшдан-етмиш ёшгача, ҳаммани пахтага қуваёпти. Бизнинг мактабда ҳам ўқитувчиларни қувган. Мен энди кексаман, лекин мени ҳам чикасиз, деган. Мактабда эса ўқитувчи йўқ ҳисоби.

Лекин, ўқувчилардан жертва бўлибди, деган гапни мен шу вақтгача эшитмаганман», деди нукуслик ўқитувчи. Бу ҳодисадан хабар топган қорақалпоғистонлик фаоллар Малика Ембергенова ўлимни Қорақалпоғистондаги пахта кампаниясининг илк қурбони, деб баҳоламоқда.

17 ёшли бу ўқувчи киз Ўзбекистондаги бу йилги пахта терими кампаниясининг бешинчи қурбонидир.



ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ БУТУН ДУНЕНИ ЎЗ ЁЛҒОНЛАРИГА ИШОНТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ

Яқинда Женевада ўтган БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари кенгашида Ўзбекистон вакили Акмал Саидов Ўзбекистонда сиёсий маҳбуслар йўқ, деди. Лекин айтилган даъвода Ўзбекистонда бўлаётган айрим воқеаларга эътибор қаратадиган бўлсак бу иддао ёлғонлигига гувоҳ бўламиз. Сўнгги 2-3 ҳафта давомида воқеани ҳолис ёритадиган журналистларга, муҳолиф фаолларига ва ҳуқуқ ҳимоячиларига босим кучайган. Уларни арзимаган баҳоналар билан қамаш ва фаолиятларини тўхтатиш авж олди

Ўзбекистон Мардикорлар касабаси уюшмаси ташкилотчиларидан бири, “Эрк” партияси ва Ўзбекистон Халқ Ҳаракати аъзоси Фахриддин Тиллаев шангаж асосида (қўшни аёлнинг тўхмати билан) 15 кун қамокда ўтиришга ҳукм қилинган. Тошкент шаҳар Чилонзор туманида 19 сентябрда ўтган суд Тиллаевни “безорилик” ва «Тўхмат», «Интернетда нотўғри фактларга асосланган мақолалар эълон қилиш» айбларини қўйган ва 15 суткага озодликдан маҳрум этган.

Ундан аввал Урганчлик мустақил журналист Сергей Наумов “майда безорилик” айби билан 12 суткага озодликдан маҳрум этилган эди.

Булар орасида Бухоролик, 61 ёшли ҳуқуқ фаоли Бобомурод Раззоқов ҳам бор. Унга “одам савдосида шугулланганлик” айбини қўйишган ва 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Куни кеча эса, Наманганда яна бир фаоллардан бири Қудрат Расулов қамокка тикилди. Унинг айби бир муҳолиф сайтдан айтилган режими калака қилувчи видеони кўчириб олиб, кўшнисига (исмини очикламади) кўрсатганлиги. Айнан мана шу иш ҳукуматнинг унга нисбатан бу жазони қўллашига сабаб бўлган.

ЎХХнинг фаоли Фахриддин Тиллаевга босим ўтказилиши нима сабабдан эканлиги барчага маълум. У муҳолиф фикрларини муҳолиф сайтлар ва нашрлар орқали эълон қилиб келган ва Каримов режимини қоралаб келган. У мамлакатда муҳолиф сиёсий ҳаракатини тиклашга уринаётган санокли фаоллардан бири.

Ахборот технологиялари ва интернет кун сайин ривожланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ичкарасида бўлаётган бу каби воқеа ҳодисаларни жаҳон нигоҳидан яшириб қолиш муш-

кул. Шу туфайли ҳам, Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳимоячилари ҳар ҳафта Ўзбекистон Ҳукуматини инсон ҳуқуқларига бефарқ бўлмасликка ва қийноқларни тўхтатишга чақириб келади. Шунга қарамадан Ўзбекистон Ҳукумати ўз билганидан қолмайди ва бутун дунени ўз ёлғонларига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Ўзбекистондаги ўзбеклар эса ўз фикрларини баён қилишга ҳам қўрқади, «кел энди, сиёсатга аралашмай тинч юрай», дейди. Чунки, Каримовнинг «қулоқлари» ҳар жойда, кечаю-кундуз изғиб юришади.

Айни пайтда сафдошимиз, Мардикорлар касабаси уюшмаси ташкилотчиларидан бири Фахриддин Тиллаевнинг тақдири бизни хавотирга солади.

Халқнинг озодлиги учун курашаётган инсонни ҳимоя қилиш барчанинг бурчи.

Шавкат Холиқов

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЗЙИҚЛАР, ҚИЙНОҚЛАР БОР ВА У ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Сурхондарёлик Наргис Жалолова 2004 йили диний эътиқоди учун ҳуқуқ- тартибот идоралари таъқибига учраб, Ўзбекистондан қочиб чиққан. Орадан кўп ўтмай БМТнинг Қозоғистондаги Қочқинлар билан ишлаш идораси Наргис ва унинг турмуш ўртоғига (турмуш ўртоғининг исм-фамилияси ошкор этилмади. Таҳр.,) қочқинлик мақоми берди.

Еш оилани Швеция қабул қилди. Қарши ва Шаҳрисабз туман миллий хавфсизлик ходимлари “элаги” дан ўтган сурхондарёлик Наргис орадан шунча йил ўтиб ҳам тергов жараёнида бошдан кечирганларини унута олмаётганини айтди.

“Исломда бўлганимиз учун бир ой давомида Қарши ва Шаҳрисабз туман тергов изоляторларига қамаб, тергов қилинган. Хўжайиним милиция таъқиб ва тазйиқларидан қочиб кетганидан кейин, “сен эринга яқин одамсан, уни топиб берасан”, деб роса қийнашганда мени.

Милициялар қўлимдан қайириб, оғзимдан ароқ қуйишган, қийнашган. “Сен диндорлар калбаса емайсизлар”, деб оғзимга чўчка гўштидан бўлган қолбасаларни тикишган, йиғлаганаман. Ишқилиб қўлидан келгунча қийнаган. Тергов изоляториди у хонадан бу хонага, бу хонадан унисига олиб юриб тергов қиларди. Узун коридордан милиция билан кетаверсам эримнинг жўраларини кўрардим, кўзим тушарди. Калтакнинг зарбидан чўлок бўлиб, футболкалари кон бўлиб кетарди уларнинг. Уша ерда ҳамма қийноққа солинганларни кўрганман, битта деворнинг ортидан овозлари эшитилиб турарди. Улар-

ни кабел билан уришарди, кабелнинг “шув-виллагани, йигитларнинг жон ачигидан бақирганларини эшитиб ўтирардим,- дейди Наргис Жалолова.

Тергов жараёни тугагандан кейин Наргис деворлари “ваҳхобий” йигитлар қонга бўялган хоналарни тозалашга мажбурланган. “У икки кечами, учми уларга фарқи йўқ эди. Улар мени турғизиб, сўкиб хоналарни тозалашга мажбурларди,- дея эслайди ҳаётининг ўша мудҳиш кунларини эслаб ўзбекистонлик 31 ёшли қочқин Наргис Жалилова. Эслатсак, шу йилнинг сентябр ойида БМТга Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқларига оид даврий ҳисоботини тақдим қилган Акмал Саидов ўз давлати Қийноқларга қарши халқаро ҳужжатни 1995 йилдаёқ имзолаганини уқтирганди. Бу билан ўзбек расмийси ўз мамлакатда қийноқлар йўқлигига шайма қилди, демокдалар таҳлилчилар. Мустақил кузатувчилар, Ўзбекистонда ҳуқуқмагга ёқмайди диний оқимларга эргашган мусулмонларга нисбатан мунтазам тазйиқ бўлаётгани ва ҳозирда ўн мингдан ошиқ мусулмон диний эътиқоди боис қамокда қолаётганини айтдилар. Судланган мусулмонлар қамокда тез-тез ақл бовар қилмас қийноқларга дучор қилинади. Ўзбекистон расмийлари турли халқаро давраларда БМТ, АҚШ ва Европа Иттифоқидан бўлган ҳамкорларни авраб, мамлакатда диний ҳуқуқ ва эркинликларга рию қилинаётганини ургулашдан чарчамайди. Ўзбекистон қамокхоналарида маҳбусларнинг қийноқлар оқибатида ўлиши ҳоллари кўп марта қайд этилган.

Бир неча йилдан буён диний ва сиёсий мотивлар билан қамалаётган ўзбекистонликлар тақдирига оид маълумотларни йиғиш, ўрганиш ва тарқатиш билан шугулланиб келаётган Ўзбекистон мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи раҳбари Суръат Икромовга кўра, мамлакат қамокхоналаридан ҳар йили камида 200 маҳбус жасади чиқади. Бугун Европанинг тараққий этган мамлакатлардан бирида яшаб Ўзбекистон ичкарасида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни мунтазам кузатиб турган Наргис “Ўзбекистонда тазйиқлар ва қийноқлар ҳамиша бўлган ва бу унсур репрессив мамлакат деб тан олинган Ўзбекистонда йил сайин кучайиб бораётир”, — дейди.

“Мана шу кунларда республиканинг барча вилоят, туманларида ёшу қарининг оммавий равишда пахта даласига ҳайдалиши фикримизга мисол. Қарши шаҳридаги 61 ёшли холам нафақада бўлишига қарамай пахта теришга мажбурланмоқда. Кеча телефонда гаплашдим холам билан, агар пахта теримига чиқмаса ўғиллари ишдан ҳайдалар экан. Базиларни пахта теришдан бош тортгани учун қамаб ҳам қўяётган экан. Холам, 13 ёшдаги неваралари мажбур пахта теримида. Ўзига тўқ оилалар пул бериб, пахтадан қутилиб қолапти, лекин қамбағаллар нима қилсин. Қасалми, қарими кучи бор ёки йўқ пахтани териб беришга мажбур, дейди Наргис.

Жаҳондаги энг репрессив мамлакатлар қаторидан ўрин олган Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланилгани боис ҳуқуқ ҳимоячилари хориж ширкатларини бу мамлакат пахтадан тайёрланган маҳсулотларга бойкот эълон қилишга чақириб келади.

Зулфия



Негадир Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида сиёсатчиларини, қолаверса элимизни бир мақсад сари бирлаштиришга бўлган уриниш ҳамма вақт барбод бўлиб келаяпти. Ҳозирда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳар бир ватандошимиз “ҳали сен мен устун бўлиб қолдингми?” дегандек фикрлайдиган бўлиб қолгандек. Нега шундай? Негаки, ўз биримизга ўзимиз душманона кайфиятларда яшаймиз.

Шундай латифа бор. Дўззахда учта катта қозонни кўрибдилар. Бирининг ичида минг одам қайнаётган бўлса, уни минг фаришта кўриқлаётган эмиш.

орасида яширин бир уруш олиб борилаётган бўлса, бу урушнинг якунида ундан ўзбеклар ғолиб бўлиб чиқа олмайди. Ғолиблар бутунлай бошқалар бошқалар бўлишади. Эрамининг 17 асрида яшаб ижод этган инглиз ёзувчиси Джонтан Стивнинг “Гулливернинг саёҳати” фантастик-сатирик асарини билмайдиганлар топилмаса керак. Муаллиф ўзининг бу асарида ўз даври инсонларининг, жамиятнинг аҳолини, кирди-корларини мохирлик билан сатира тигига олганди.

Масалан, Гулливер Лилипутияга бориб қолган вақтида, у ерда икки жамият орасида кўп асрлардан бери давом этиб келаётган урушга гувоҳ бўлади.

АМБИЦИЯЛАР – МИЛЛИЙ ХАСТАЛИГИМИЗ

Ўзбекистон келажagini қандай кўраимиз? Одатда ўзбеклар келажакка томон боқаркан, унда фақат порлоқ ҳаётни, тенглик ва тотувликни кўришга одатланишган. Нима учун десангиз, келажакка умид билан боқиш бизга одат. “Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб кетади!” — дегувчилар кўп ва мана шу умидлар баъзи ҳолларда кишиларни тўғри йўлдан, ёки реал воқеъликни улоқдан фарқлай билишларига ҳам халал бераётганга ўхшаб кетади. Воқеълик тескари томон ривожланиб боришда давом этганида ҳам, бизниклар ёрқин бир келажакни кўра олишлари, ёки ундан умид қилишлари ҳеч бир қолипга ҳам сиғмайдиган ғиштга ўхшаб кетади.

Хўш, бундай умидларга ўзи ўрин борми? Албатта йўқ! Ўзбекистон келажаги, президентимиз 1991 йилда айтганидек, буюк эмас, балки куюк эканлигини ҳамма билади. Аммо “чурк” этиб бу мавзуда сўз юритишга камдан кам одамларгина ўзида журъат топади. Бу билан нима ўзгарарди дейсиз? Деярлик ҳеч нарса, фақат золим подшога ҳақ ўзини айта олганингиз қолади холос.

Ватан келажagini куриш, унда ҳам меъёрий қонунларни жорий этиш ва тенгликни, тотувликни бунёд этиш учун бўлган барча умидлар кунлар сайин сўниб бормоқда. Ўзбекни, ўзбекистонликни нафақат пахта далаларида текинга меҳнат қилаётгани ҳолида, балки бошқа мамлакатларда ҳам шу аҳволда, текин ишчи кучи сифатида кўришга одатланиб бўлди. Гўёки, ўзи шундай бўлишимиз керак эди ва бу кўраётганимиз, бу манзара табиий бир ҳолдек(?)

Юртдошларимиз мутлоқ бирлаша олмайдиган эл десак адашамиз. Уларни бирлаштира оладиган омиллар ҳам йўқ эмас. Масалан — ош! Улар фақат текин ош устида бирлашадиган элга ўхшаб кетади. Масалан, бирор жойда Ўзбекистондаги сиёсий тузумга норозилик сифатида бирор сиёсий акция ўтказиб, ватандошларни таклиф қилинг — бармоқ билан санарлик одамларгина кела олади холос. Агар ош уларга беришни ташкил этсангиз, бирортаси ҳам қолиб кетмайди. Айни шу манзарани Туркияда истикомат қилаётган ўзбеклар орасида кўп кузатилинган.

Бошқа бирида эса бир одам қайнаётганмиш-да, қозон ёнида минг фаришта кўриқчи эмиш. Учунчи қозонда эса минг одам қайнаб, уни бир фаришта кўриқларкан. Ҳайрон бўлибдилар. Нега бунақа экан? Биринчи қозондагилар турли миллатлар ва элатлар бўлиб чиқибди ва уларнинг ҳар бири учун бир кўриқчи қўйилган экан. Иккинчи қозондаги яҳудий эмиш. Бошқа яҳудийлар қозонда қайнаётган миллатдошларини тортиб олмасин учун атрофида минг соқчи билан кўриқлашаркан. Учунчи қозондагилар эса бизнинг ўзбеклар экан. Буларга соқчи ҳам керак эмас экану, бир фаришта шунчаки оловни ўчиб қолмасин учун ўтин қалаб турган экан. Кимдир ўша қозондан чиқмоқчи бўлиб ҳаракат қилса, уни бошқалари тортиб тушириб олишармиш.

Бу шунчаки тўқилган бир латифа бўлсада, аммо унинг тагида ҳам катта бир ҳақиқат ётганлигини пайқаш қийин эмас. Миллатимиз бугун яҳудийларга ўхшаб бири бошқасини қўлдайдиган миллат эмас, балки аксинча, бири бирига душманлик қиладиган миллат бўлиб қолган. Бу “анъана” нафақат оддий одамлар орасида, ҳаттоки ҳукуматда даражасидагилар орасида ҳам мавжуд.

Аҳволни қарангки, бир диктатор зулми ҳаммага бирдай азоб бериб турган бир паллада муҳолифатдаги сиёсий лидерлар бир бирдан узокда. Аксар ҳолларда, уларнинг тарафдорлари орасида ҳам шундай муносабатни кўрасиз. Бу албатта ҳар бир лидернинг, қолаверса ҳар шахснинг ўз шахсий амбицияларидан келиб чиқиши оқибати. Дунёвий сисий муҳолифат ва ўзбек диний диний жамоалари орасида ҳам чуқур ва катта бир жарлик бор. Бу жарликдан ҳатлаб ўтиш на у томондагилар ва на бу томондагиларнинг хаёлларига ҳам келмаяпти. Аслида эса у, ёки бу тмонга ўтиш учун зарурат ҳам йўқ, шунчаки бир мақсад йўлида улар бир бирларини суяб турсалар бўлди эди. Лекин начорак, бундок ҳам бўлмас экан. Йўқ, биз бир биримизга шунчаки бефарқ бўлибгина қолмай, балки биримиз бошқамизга душманлик ҳам қилиб кетаверамиз. Машшойихлар айтганидек, “бўлингани бўри ер, айрилгани айник!”. Биз билан ҳозирда айни шундай ҳол содир бўлмоқда. Ўзбеклар

Одамлар бир бирларини қурбон қилишларининг боиси эса, оддийгина тухумни чақилишида экан. Ўзини “учлик томон” деб атайдиганлар тухум чақандарида уни учлик томони билан чақишади. Ва аксинча, уларнинг душманлари эса тухумни тўмтоқ томони билан чақишаркан. Шунга кўра, жамият ҳам иккига ажралган ва икки лагерда туриб бир бирларига қирон келтиришарди. У томон ҳам, бу томон ҳам тухумни бир томондан қақиш керак деган тўхтама кела олмайдилар. Аслида ўша битта тухум, ким уни қай томонидан чақишиб ейишининг нима аҳамияти бор? Джонтан Стив асарининг мана шу қисмида у Христиан черковининг иккига, яъни католиклар ва протестантларга ажралиб бири бирига ёв бўлиб қолганлигига шаъма қилинган. Масалан, битта Библия, битта Худо, битта Йисо ва Христианлар шу тахлитда икки лагерга ажралиб қолганди.

Бизнинг аҳволимиз ҳам нимаси биландир шунга ўхшайди. Ўхшайди ҳам эмас, бир неча ўн чандон ортиқдир балки. Сиёсий муҳолифат ҳам, диндорлар ҳам, қолаверса фермерлару, кичик бизнес эгалари ҳам — ҳамма бирдек бир диктаторга қарши, ундан норози бўлсада, аммо шунда ҳам улар бир мақсадда бир позицияга кела олмайдилар. Бу эса ҳукмдоримизнинг бахти!

Кўпчилигимиз эътиқод қиладиган Ислом динига ҳам бир назар ташланг. Аслида Ислом ҳам яққа Худоликни ташвиқ қиладиган дин бўлиб майдонга тушганди ва у ҳам ҳозирда турли гуруҳлар ва оқимларга бўлиниб кетди. Сунний билан Шиъа мусулмонлари орасидаги қарама қаршилиқ Джонтан Стив асаридаги Лилипутия аҳолисининг бир бирига қарама қарши туришига жуда ўхшаб кетади.

Бир мисолга эътибор беринг. Суннийлар мамлақати бўлган Саудия Арабистони Мисрда ҳокимиятга келган “Мусулмон биродарлари” ҳукуматини қўлламади. Янги келган динсиз ҳокимиятга эса ёрдам қўлини чўзди. Сурияда Башар аъл Ассад режимида қарши курашда шариат ҳукуматини ўрнатишни даъво қиладиган муҳолифат томонини қўллаб келмоқда. Мантқиқ қани? Мантқиқ эса, Саудия Арабистони АҚШ ва Исроил кимга қарши бўлса, ўшанга қарши чиқишида холос.

(Давоми кейинги саҳифада)

АМБИЦИЯЛАР – МИЛЛИЙ ХАСТАЛИГИМИЗ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу мамлакатни бемалол АҚШ нинг 51 штати деб атасак ҳам бўларди!

Яна бир ажиб томони, Саудлар шиалар Эронини хуш кўрмайди ва ўзини суний муслмон деб биладиганларнинг аксар кўпчилиги кўр кўрона Эронни ёманлаб қолишади.

Ахир бир Аллох, бир Каъба ва бир пайғамбар бўлсада, нега энди булар бир бирларига қарши туришлари керак? Яъни, улар тухумни қай томонидан билан қақиб ейишлари керак?

Яқинда интернет тармоғида тошкентлик хуқуқ курашчиси, “Ўзбекистонда ҳалол ва адолатли сайловлар учун” – жамоат бирлашмаси раиси бўлган Абдулла Тожибой ўғлининг бир мурожаати тарқалди. Унда Ўзбекистон ичкариисидан туриб чет эллардаги ўзбекларга қарата айтилган сўзлар “чет эллик” ўзбекларнинг диққат-эътиборига ҳам тушмай қолди.

“Сиз, хурматли чет элда истикомат қилаётган ҳамюртлар, ўзаро келиша олмаслигингиз қаёқда, яна сайтлар орқали бирлашишга даъват этишларингиз — бу ҳеч бир мангикка тўғри келмайди”. – дея ёзади муаллиф. Абдулла Тожибой ўғлининг фикрига кўра, четдаги муҳолифатни на фақат Ғарб давлатлари, колаверса Шарқ, узоқ шарқ, ҳаттоки бизга яқин бўлган Россия, Ўрта Осиё республикалари ҳам тан олмай келмоқда.

“Сизларга ёрдам беришдан ҳам ор қилмоқдалар, шу каби муносабатлар сизларни ташвишга солмаётими?” – дея савол қўйган Абдулла Тожибой ўғли.

Дарҳақиқат, “Ўзбек муҳолифати” деган гапни эшитганда анча-мунча одамнинг энсаси қотадиган бўлиб қолди. Қизиғи шундаки, муҳолифат ичида ҳам кимлардир оддий нарсалардан аразлаб, чиқиб кетиб, сўнгра лидерларга қарата тош ота бошлаши кўп кузатилинмоқда (бу ерда гап айнан лидерлар ҳақида кетаяпти, бир лидер ҳақида эмас!).

Бундоқ қараганда, Джонтан Стив ўз асарида келтиргани, тухумни биз ҳар гал ҳар томонидан чақадиганлар тоифасига айландик. Қўнғил хушимизга қараб, тухумни учлик томонидан, кейин эса тўмтоқ томонидан, керак бўлса ён томонидан ҳам қақиб еяверамиз.

Тағин уялмай бунга оммага ошкор қилишгача ҳам борамиз. Биз нега шунақа, бир принципни, ёки бир позицияни ушлаб олмайдиганлар хилиданми?

Гап тағин ўзбекларнинг “ўзлиги”, унинг амбицияларига боғлиқ бўлиб қолганлигида. Бу бизга теккан ва асрлар давомида ривожланиб келаётган миллий хасталигимиздир.

Тўлқин Қораев
Швеция



ЎҚИТУВЧИ БАЙРАМИДА БОШҚАЛАР ДАМ ОЛДИ, УНИНГ ЎЗИ ПАХТА ТЕРДИ

Ўзбекистонлик муарбийларнинг аксари ўз касб байрами – 1 октябрь кунини пахтазорда нишонлади. Бу кун умумхалқ байрами деб эълон қилинганига қарамай пахтакор туманлардаги коллеж ва мактаблар ўқитувчилари пахта теримида ҳайдалди

Ҳамма байрам қилиб турганда ўқитувчи эрта тонгдан фартугини қўлтиклаб, пахта даласига йўл олди.

Озодлик шу куни пахтакор туманлардаги қайси ўқитувчи билан боғланмасин, уларнинг ҳаммаси пахтага чиқарилганини айтди.

Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги мактаблардан бирида ишлайдиган ўқитувчи Раҳимахонни Озодлик байрам билан табриклаганда у 30 килограмм пахта териб улгурган экан:

Раҳимахон: Катта раҳмат, сизларга ҳам қутлуғ бўлсин, соғ бўлинглар.

Озодлик: Байрамни қаерда нишоняпсизлар?

Раҳимахон: Қаерда бўларди, пахта даласида-да. Бир кунга хашарга келдик.

Озодлик: Қанча пахта тердингиз шу пайтгача?

Раҳимахон: Ўттиз килограмм.

Озодлик: Байрам нима бўлади энди?

Раҳимахон: Байрамни кечқурун нишонлашга қарор қилдик.

Озодлик: Ўз ихтиёрларинг билан хашарга чиқдиларингми?

Раҳимахон: Вооой, нима деяпсиз, албатта ўз ихтиёримиз билан, деҳқонларимизга ёрдам берайлик, пахта си қолиб кетмасин дедик.

Маааааааазза, кенг дала, тоза ҳаво. Журналист бўлсангиз яхши тушунасиз, қўштирноқ ичидаги гапларни, - деди қулиб ўқитувчи Раҳимахон.

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги ўқитувчилардан бири ҳам наманганлик ҳамкасблари каби байрам куни пахтага сафарбар этилганини айтди экан, бу ҳолат ўқитувчиларни таҳқирлашдан бошқа нарса эмас дейди:

- Биз байрамни кеча кечқурун ўтказдик. Бунга ўқитувчилар ўзлари ташкил қилди. Ҳокимиятдан ҳеч ким келиб табриклагани ҳам йўқ.

Байрамни ўтказгандан кейин директор эртага ҳамма пахтага деди.

Мен пенсия ёшига етиб қолганим учун чикмадим. Бугун республика дам оляпти, ўқитувчилар эса пахта теряпти, бунақаси собиқ иттифоқ пайтида ҳам бўлмаган, - деди жомбойлик ўқитувчилардан бири.

Ўзбекистондаги вилоятлардан биридаги олийгоҳда ишлайдиган Бобур домлани ҳам қидириб, пахтазордан топдик:

- Бугун пахта даласида жавлон уряпмиз. Биз бугун байрам қилишимиз, дам олишимиз керак эди. Лекин раҳбарлар қўйишмаяпти, ҳаммаларингнинг ўрнини бугун далада деяпти. Мана 15 кундан буён мен 500 килоча пахта тердим, кунига 40-50 килодан теряпман.

Ҳар куни беш-олтита катталаримиз неча кило тердинг деб ҳисоб сўрашади. Кам терсак, биз ҳам гап эшитамиз, - деди олийгоҳ ўқитувчиси Бобур домла.

Пахта экилмайдиган туманларда ҳам ўқитувчилар бу кампанияга ўз ҳиссаларини қўшишга мажбур бўляпти. Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги мактаблардан бирининг исми сир қолишини сўраган ўқитувчи пахта теримида ўз ўрнига одам ёллаб жўнатганини айтади:

- Худога шукр, бизда пахта йўқ. Лекин ҳар бир ўқитувчига ўрнига одам тошиб, ётоққа жўнатиш топшириғи берилган. Ўртача ойига 350-400 минг сўмга одам ёллаб, Мирзачўл туманига жўнатдик. Тополмаганлар ўзи кетяпти теримга. Ўқитувчи маошини ёрдамчига беряпти энди, - деди ўқитувчи.

Ўзбекистон президенти 1 октябрни ўқитувчи ва муарбийлар куни, деб эълон қилиш тўғрисидаги фармонни 1996 йилнинг 27 декабрида имзолаган ва бу кун мамлакатда дам олиш куни, деб эълон қилинган эди. Бу йил 17- бор касб байрамини нишонлаётган ўқитувчиларнинг аксарияти бу сана илк бор нишонланган вақтда ҳам пахта даласида эдилар. Мажбурий меҳнат амалиётига қарши Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистон фуқароларига мурожаат қилиб, пахта терими пайтида кўрган кечирганларини гапириб беришга чорлаган.

Ўзбекистон президенти Ислон Каримов ўқитувчи ва муарбийларни байрам билан табриклаб, уларнинг бир неча нафарини орден ва медаллар билан сийлади.

Қарама-қаршиликлар, яъни золимлар ва мазлумлар муносабатлари натижасида, жамиятдаги жорий қонунларни четлаб ўтганда, содир бўладиган, ижтимоий ўзгаришларга, инқилоб деб айтилади. Жамиятда, инқлобий ўзгаришлар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий инқироз авжига чиққанда вужудга келади.

Инқилоб содир бўлиши учун, жамиятда қарама-қаршилик зиддиятлари етарлича бўлиши керак. Золимларни кўриб ва зулмини ҳис қилиб билган халқ, инқлобий ҳаракатга келади. Халқ ҳаракатларида лидерлар пайдо бўлади. Шунда, халқни ғояга эргаштира олдиган лидер, ҳаракатни инқилоб даражасига етказа олади.

Бошқарув усуллари, каммунизм давридан бери ислоҳ қилинмаганлигидандир. Каммунизм давридаги бошқарувнинг маъмурий буюруқбозлик усули, СССРни парчаланиб кетишига сабаб бўлди. Каримов режимининг бошқарувидаги буюруқбозлик усуллари эса, мамлакатни иқтисодий қолоқликка ва халқни маънавий қошшоқликка олиб келди. Буюруқбозлик амаллари, кадрларнинг юқори савияли ва билмли бўлишини кўзда тутмайди.

Мамлакат бошқарув инфраструктураси бўғинларида, ўзига хос ва “катта”га мос кадрлар танланган ва тарбияланган. Бу кадрларнинг, бошқарувдаги бош принциплари, “катта”нинг кўргазмаларидан четга

хос ва ўзига мос, тайёр кадрлар бугун йўқ!

Режим аввалидан, халққа ва раҳбарларга сингдирилган, “Каримов, ҳамма жойда ҳозир, ҳамма ишга қодир”, деган удум, энди эскирди. Президентнинг ожиз тамонларини, қўли остида ишловчилар, жуда яхши тушунадилар. Каримовнинг, илгаригидай вазиятни бошқара олмай қолганлиги ҳам, ҳаммага аён.

Юқори мансаб раҳбарлари, Каримовнинг яқка ҳокимлик билан иш юритишига кўникиб қолганлар. Улар, бундай кўникмалари натижасида, Каримовсиз давлат сиёсатида ва хўжалик ишларида бир қадам ҳам силжий олмайдиган бўлганлар.

ИНҚИЛОБ САДОЛАРИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ҳаётида, мана 150 йилдирки, қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар мавжуд. Чор Россияси ва коммунизм даврида, рус швавинизми ва ерли аҳолининг итоатгўйлиги, жамиятимизда қарама-қаршилик муносабатларини келтириб чиқарган. Каримов замонида жамиятимиздаги зулм, раҳбарларнинг сиёсий онги ва маънавий савиясининг пастлигидан, Каримовлар оилаиснинг истак ва ҳошишлари сабабларидан келиб чиқаяпти.

Мазлум халқимиз, ўзининг итоатгўйлигидан ташқари, ортиқча гапирмаслик, бировнинг ишига арлашмаслик, баҳслашмаслик ва кўшнидан моддий орқада қолмаслик, хусусиятлари ҳам эга. Миллатимизнинг, мен зикр қилган хосиятлари, мустабид замонда ва Каримов режими даврида уни, қўллик даражасига келтириб қўйди. Худо хохласа, уни бу хусусиятлари, адолатли замонда, буюк халқлар қаторига қўшиб ҳам қўяди. Чунки, ҳалол меҳнат қилиб, ундан баракали уним топишда, ўз оиласи билан фаровон ва тотув турмуш кечиришда, инсонга айнан шу хосиятлар зарурдир.

На чароки, адолатли замон, ислоҳат йўли билан эмас балки, инқлобий ўзгаришлар натижасида рўёбга чиқажак. Бугунги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият, ўта мураккаб зиддиятлар билан тўлиб тошган.

Чунки, мамлакатдаги бугунги олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, миллат эҳтиёжи билан боғлиқ эмас.

Мамлакатда содир бўлаётган, бугунги сиёсий ва иқтисодий камчиликларнинг сабаблари,

чиқмасликдир. Бошқарувдаги бундай лаганбардорлик факторлари, жамият ривожини сезиларли даражада орқага сураяпти. Инсонлар орасида, пессимизм аломатларини ривожлантираяпти.

Оддий фуқороларнинг давлат раҳбарига ишончсизлиги, аллақачонлардан бери давом этиб қэлаяпти. Халқнинг, кўчага чиқиб “Президент Кет!” дейишини, умумий бир кўрқув ушлаб туриби. Бу кўрқув, режим аҳлининг, мустақиллик иптисидан бери амалга ошираётган ташвиқотлари натижасидир.

Юқори мансаб раҳбарларининг Каримов атрофидаги жиқлиги, ҳозир жуда заиф. Раҳбарлар, кеча ўзини “катта”нинг олдида ишончсиз ва айбдорлардай тутган бўлсалар, ўша раҳбарлар, бугун ўзига анча ишонган кадр бўлиб қолди. Нэгаки уларнинг бугун пули ҳам бор, ўзига яраша ҳимояси ҳам бор. Шу билан, “Катта” ва кичиклар орасидаги, режим куриб берган ўзоро “хуқуқий” мувозанат, бузилган.

Энди, лапанглаб кетаётган режим аравасини, унинг ҳаракати давомиди мих қоқиб, теша уриб, синиб кетишдан қутқариб қолишнинг иложи йўқ. Катта раҳбар ўзини бу фактни сезмаётганга олаяпти.

Каримов бошқарувининг катта камчиликларидан бири, унинг кадрлар муоммосини ечаолмаётганлигидадир. Оддий бошлиқ, ўз шахсига содиқ кадрларни танлашда, уларнинг керакли хусусиятларини ва имкониятини ҳисобга олади. Каримов бугун, “ёроқсиз” кадрларини қайта алмаштмиришга қодир эмас. Чунки вақт зиқ. У, ўзининг президентлик фаолияти давомиди, кадрларни таёрлаш муоммосини ўйламаган. Шунинг учун ҳам ўзига

Мобода, мамлакатда “нотинч” вазият содир бўлса, ўзига бек юқори мансаб раҳбарлари, режим ёки бошқа бирор инқлобий ғоя атрофида, ўзоро бирлаша олмайдилар. Уларнинг, ўзоро бирлашишига, еткиликли маънавий салоҳияти йўқ. Лекин, улар бирор кучли лидер атрофида бирлашишлари мумкин. Уларда, бунинг учун, етарли манфаатлар бор. Бу эса, Каримов режимининг адоғини англатади.

Каримовнинг ўрнида мен бўлганимда, юқори мансаб раҳбарларини бирма бир қамаб, ўрнига бошқаларини тайинлаган бўлар эдим. Лекин, Каримовнинг шу пайтгача, ўзи ва ёрдамчилари учун таёрлаган ўринбосорлари йўқ. Истефога чиқиб кетаверишлари керак бўлган, Абдилазиз Камиллов ва Владимир Норовларнинг, яна лавозимга тайинлангани, бунинг исбот далилидир.

Режим, кундан кунга ва ҳар тамонлама заифлашмоқда. Халққа, бу режимдан у излаган манфаат йўқ. Режим, сиёсат супасидан қанча тез кетса, халққа шунча яхши бўлади. Лекин, қандай қилиб режим супадан кетади? Бу саволга фақат, вақт жавоб беради. Шу аниқки, режимнинг ҳаракати, фақат инқлобий йўл билан тўхтади.

“Араб бахори” инқилоблари, ҳар хил мамлакатларда, ҳар хил шароитларда ва ҳар хил инқлобий шакилларда, исёнчилар тамонидан амалга оширилди.

Жоножон Ўзбекистонимиздаги сиёсий вазият, бошқа мамлакатлардагига ўхшамайди. Одамларимиз, тинчлик севар халқ. Уни бирданга инқилобга чорлаб бўлмайди. Аввало, халқда инқилоб ҳиссини ўйғотиш керак. Халқда инқлобий

(Давоми кейинги саҳифада)

ИНҚИЛОБ САДОЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ҳис пайдо бўлаяпти ҳам. Қўрқув ҳисси эса чекинаёпти.

Халқ, Каримовнинг бошқарувидаги камчиликларини ва унинг табиатан қўрқоқ одам эканини тушунса, у албатта кўчага чиқиб, “Каримов кет!” дейди. Бу вазифанинг бажарилишида, мамлакатдаги ОАВ муҳим рол ўйнайди. Инқилобий ҳаракатлар бошланганда, қутилган натижаларнинг амалга ошиши учун, МХХ ва ИИВ ходимларининг қонуний хатти ҳаракатлари янада муҳимдир.

2015 йил президент сайлови йили. Сайловларда нима бўлиши, ноаниқ. Каримовлар оиласига енгил бўлмайди. Ислох мамлакатларининг дунёдаги сиёсий активлиги ва халқаро иқтисодий вазият, ватанимизда сиёсий вазиятнинг тубдан ўзгаришига олиб келиши мумкин. Инқилобий вазият юзага келиши мумкин.

Россия, ўзининг таъсир ҳудудини кегайтириш мақсадларида, миллатлараро низодан жуда мувоффақиятли фойдаланиб келаётган мамлакатдир. Бугун ҳам, Россиянинг шавинистик сиёсати учун, дунёда Ўзбекистондай ривожланган демократик мамлакатнинг пайдо бўлиши, кераксиз ҳолдир. Шунинг учун, халқимиз реал инқилобий ҳаракатга келган зоҳати, Россия бор кучи билан, Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг эскича қолиши учун курашади.

Россия, Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда, миллатлараро низони келтириб чиқариши ҳам мумкин. Россиянинг вазиятга қараб, Қирғизстон ва Тожикистон ҳудудларидан, Ўзбекистонга жангариларни ташласа, дунёда янги қуролли жанглр ўчоғи пайдо бўлади. Бу, Россия учун айни муддоодир.

Мамлакатимиз зиёлийлари ва халқи, зада бўлган Каримов атрофи, халқ ҳаракати лидерлари дунёдаги ва мамлакатдаги сиёсий вазиятни тушуниб ва удан тўла фойдаланиб, тинч йўл билан, Ўзбекистон аҳлига керакли бўлган сокин ва майин инқилобни амалга оширажақлар.

Бунинг учун, барча сиёсий кучлар инқилоб ғояси атрофида бирлашмоғимиз зарур. Инқилоб рўёбга чиққандан кейин эса, “Нима қилмоқ керак?” деган саволга жавоб излаш керак. Тайёрланган, миллат келажаги режасини амалга ошириш учун, сиёсий кучлар мажлисини, ўтиш ҳукуматига айлантириш зарур.

Нураддин



НАВОЙЛИК АЁЛ 59 ЁШИДА ПАСПОРТ СОҲИБИ БЎЛДИ

Навоий вилояти Томди туманида яшовчи Бодом Эржоновга Ўзбекистон Республикаси паспорти 59 ёшида олиш насиб бўлди.

Ўзбекистон ССРда дунёга келган Бодом Эржоновга туғилганлиги ҳақида гувоҳнома олиш ўша пайтда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Болалик йиллари кекса отасининг сурувларини боқиб вояга етган Бодом Эржоннова СССР даврида ҳам паспорт олмаган.

Томди туманига келин бўлиб тушаркан, никоҳ тўйида ҳам бирор киши унинг паспорти бор-йўқлиги билан қизиқмаган.

Бутун умрини оиласига бағишлаган онахоннинг паспортсиз яшаб ўтгани унинг нафақа ёшига етиб қолганида муаммага айланди.

Нафақа учун давлат идораларига мурожаат қилган Бодом Эржонновдан паспорт ва бошқа ҳужжатлар талаб қилинган. Бироқ, бу ҳужжатлар Бодом Эржонновада умуман йўқлиги маълум бўлган.

Яқинда, деб ёзади Nav.uz ахборот портали, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳар туманлараро фуқаролик суди Бодом аянинг аризасини кўриб чиқди.

Шу манбанинг ёзишича, суд ҳайъати Республика Фуқаролик-процессуал кодексининг 283-моддасига мувофиқ қарор қабул қилди, ва Бодом ая, ниҳоят, 59 ёшида илк бор паспорт соҳиби бўлди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистоннинг ўтган 22 йиллик Мустақиллиги мобайнида нафақат Бодом Эржоннова каби 59 йил, балки бир умр Ўзбекистон паспорти ололмайд яшаётган минглаб фуқаролар мавжуд (масалан, Ўзбекистонда туғилмаган шахслар). Уларга фарқли рағдаги ҳужжат берилади ва улар Ўзбекистоннинг тўла ҳуқуқли фуқароси ўлароқ барча ҳуқуқлардан фойдалана олмайди.

ЎХХ хабар маркази

ЎЛСАМ ҲАМ ЎЗБЕКНИНГ ЁНИНИ ОЛИБ ЎЛАМАН!



Куйидаги мактубни таҳририятимизга Украинадан юборишган. Мактубда у ердаги ўзбек йигит ва озарбайжонлик бир неча йигитлар ўртасида кечган воқеа тасвирланади.

“Мен Закарпацкий области, Мукашево шаҳрида ўзбеклар очган кафедра ишлайман. Бизни кафемизга овқатланиш учун бир ўзбек йигит тез-тез келиб туради. Андижонлик.

Хуллас, у бир куни овқатланаётган эди, Озарбайжонлик йигитлар кирди ва “Сизлар шаверма қилиясизларми, ўзбеклар қачон ўрганди?”, деб мазах қила бошладилар. Улар 3 киши эди. Бу гаплар нафсониятига теккани учун у ўзбек йигит улар билан урушиб кетди.

ЎЛМАГАН ЭКАНКУ ЎЗБЕК!

Қалтак еган озарбайжон бир зумда бир гала миллатдошларини йиғиб келди. Уларнинг ҳаммасида шамшир, пичоқ ва шунга ўхшаш нарсалар бор эди. У ўзбек йигитга шерик эса мен ва кафени эгаси (у ҳам аёл киши) эдик. Бирданига унга ташланишди ва бир неча жойига пичоқ санчишди. Ўзбек йигитни қонга булаб кетишди. Доктор чақирдик, 7та жойини тикди. Кейинроқ озарбайжонларнинг каттаси келиб у йигитни кафега чақирди. “Нима ўзбеклар шунча зўр эканми? Нимага сен ўзбекман деб катта кетасан? Бу ерда ҳали бирор марта ўзбек ғиринг демаган”, деди. Нуриддин ҳам “Менга қаранг, ёшингиз катта, шунинг учун шу пайтгача индашмаган бўлса билмадим, аммо мен Ўзбекман! Бу ер Украина экан, дунёнинг нариги чеккасида ҳам ўзбекни пастга урдириб қўймайман, ўлсам ҳам ўзбекни ёнини олиб ўламан!”, деди.

Энди милиция устига милиция, ҳали у баҳона, ҳали бу баҳона текширишяпти.

Бу баҳона бу ёқдаги ўзбеклар бирлашди, ва ниҳоят. Энди Озарбайжонликлар яраша олмай ҳалак. Ўзбекларнинг ҳам катталари, амалдорлари бор экан, ён босишяпти”.

Фарида Мутталибова

ИСМАТ ХУШЕВ: МУҲАММАД СОЛИҲГА ОТИЛГАН ЎҚ (3)



Бунинг ортида ким турган бўлиши мумкин?

Мен билган ва билмаган тафсилотлар

«Истанбулга саёҳат» туркумидан Эдирнага сафар

Истанбулга келганимизда Муҳаммад Солиҳ бизга бир ҳафталик сафар дастурини маълум қиларкан, унда Эдирнага сафар ҳам киритилганини кўриб, «Шу шаҳарга бориш шартми-кан?» деб ўйлаган эдим.

Лекин мезбон бу сафарга тайёргарлик кўрганни сезиб, индамай қўя қолдим.

- У ердаги дўстларимга борамиз деб айтиб қўйганман. Улар бизни

кутишяпти, – деди Муҳаммад Солиҳ уларниқидан хайрлашиб отелга кетар пайтимизда. – Тонгда жўнаш керак, йўл узок. Эрталаб 6.30 машина

боради. Тайёр бўлиб турунгллар...

Муҳаммад Солиҳнинг хонадонидан жуда кеч қайтганимиз учун эрталаб олтида эмас, еттиларда икки машинада йўлга чиқдик.

Биринчи машинанинг орқа ўриндиғида – Наргиз билан янгам, иккинчисида – Муҳаммад Солиҳ билан мен.

Ҳар иккала машинанинг олдинги ўринларида кўриқчилар...

Биз борар манзил Истанбулдан 230 километр узокликда, Юнонистон ва

Булғористон чегарасига яқин жойда экан. Туркиянинг йўллари ҳам худди Канаданики каби кенг ва равон, икки соатга қолмай манзилга етдик.

Бизни Муҳаммад Солиҳ оилавий Маккаи Мадинага – Ҳаж зиёратига борганида танишган эдирналик турк биродарлари оилалари билан кутиб олишди.

Улардан бирининг тижорат ва савдо Маркази бўлиб, пастки қаватида ошхонаси ҳам бор экан. Ўша ерда бир пиёла чай ичиб, нафас росладик.

Сўнг шаҳарни томошо қилдик.

Эдирна Истабулнинг қадимги пойтахти. Бу ерда Усмонлилар Усмонли империяси Султони Иккинчи Салимнинг меъмори Синонга қурдирган улкан Жоме масжиди бор.

Меъмори Синоннинг 80 ёшида қурган бу бетакрор ва бебаҳо Салимия Жомеси нафақат меъмори Синоннинг, балки бутун Усмонлилар империяси қурган минораларнинг энг гўзал намунаси.

- Бу Жоме Меъмори Синоннинг имзосидир, – деди бизни бу шоҳ асар билан таништираётган маъмур. Яъни бу Масжид Мемори Синоннинг сўнги асари эди.

Жоме масжидига кираверишдаги китобий ёзувга кўра унинг қурилиши 1568 (ҳижрий 976 йил) да бошланган. 1574 йил 27 ноябрда очилиши мўлжалланган.

Аммо олампахо Салимнинг бевақт ўлими боис бир оз кечикиб – 1575 йилнинг 14 мартда ибодатга очилган...

Жоме Масжиди Султон Салим Вақфи тасарруфида бўлган. Эдирна марказидаги мўхташам миноралар майдонида Сулаймон Челебий даврида бошланган, кейинчалик Йилдирим Боязид қуриб тугаллаган «Саройи Элик» ҳамда «Болтачи Муҳофизлари» ҳарамии жойлашган. Бу майдонни «Сарибайир» ёки «Қовок майдони» деб ҳам атайдилар...

Улкан ва ҳашаматли масжидга кирарканмиз, бундан шунча йиллар муқаддам - аждодларимиз қурган бу сирли ва синоатли қошоналарни кўриб, боболаримиз ақлу заковотига қойил қолдик.

Умуман жуда қадим замонларда турклар дунёнинг ярмини эгаллаганини, улар забт этган юртларда инсон ақли лол қоладиган иншоотлар қурганини кўриб, қалбимизда ажиб бир завқ ва фахр туйдик...

Ким билади дейсиз, агар Усмонлилар империяси таназулга юз тутмаганида бугун дунёни инглизлар эмас, балки турклар эгаллаган бўлишармиди...

Мен дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлганман.

Польша ва Варшава, Чехия ва Прага, Олмония ва Франция, Денмарк ва Амстердам, Швеция ва Швеция, Калифорния ва Нью Йорк, Вашингтон ва Бостон, Торонто ва Оттава, Исроилнинг Ирусалим ва Тель Авив шаҳарларидаги мусулмон ва яҳудийлар, христиан ва католиклар сизганадиган улкан ва мўхташам ибодатхоналарини кўрганман.

Лекин Туркиядагидек, хусусан, Эдирнадагидек бетимсол ва бекиёс сарой ва қошоналар, Жоме масжидларини ҳеч қаерда кўрмаганман.

Шунда Эдирнага келиб яхши қилганимни, бу қадимий шаҳар мен учун ҳаётимнинг энг гўзал ва ёруғ саҳифаси бўлиб қолишини беихтиёр англаб етдим...

Қубба

Эдирнада бир бири билан рақобат қиладиган Жоме масжидлари жуда кўп.

Улардан яна бирида биз ажиб бир ҳолни кўриб, чексиз хайратларга ошно бўлдик.

Биз кирган навбатдаги Жоме масжиди улкан қубба шаклида бўлиб, унинг ўртасида суяб турадиган устунлари йўқ эди.

Ажаб, ҳали архитектура ва қурилиш фани ривожланмаган, геометрия ва чизмачилик дарсликлари ўйлаб топилмаган бир пайтда бундай бино қурган инсон ақлу заковоти ва даҳоси олдида таъзим қилгинг келади.

Бу ерда аввал ҳеч бир Жоме ва масжид (ибодатхона) да қўлланилмаган услуб ишлатилганини кўриб хайратингиз яна ошади.

Аввалги айлана услублардан фарқли ўлароқ, бино қуббалари юксалиши билан Салимия Жоме масжидининг юксалиги 43,25 метр, эни эса 31,25 метрда бир тилимли қубба билан бирлаштирилган. Бу қубба – 8 арқдан, ҳар бир арқ эса – 6 метрдан иборат.

Бу сирли ва муқаддас ибодатхонани қурган меъмори Синон айнаи шаклда жомега берилган бутун ички гўзаллик ва санъатни, архитектуруни бир қарашдаёқ ифода эта олган.

Энг хайратли томони шундаки бу масжиднинг тўрт нафар балан ва хайратли миноралари қайси томондан қарасангиз ҳам бир бирининг соясида қолиб, фақат иккита бўлиб кўринади, холос...

Шоҳ намоз ўқийдиган жой...

Ўртасида ушлаб турадиган устунни бўлмаган, фақат ён тарафлардан 6 метрлик арқлар билан ушлаб туриладиган улкан Жоме масжиди Эдирнадаги барча масжидларнинг энг каттаси ва муқаддаси экан.

Олампахо Салим ҳам айнан шу Жоме масжидида намоз ўқишни одат қилган. Хавфсизлик боис Подшоҳ учун алоҳида, омма кўзидан холи бир хужра бўлиб, у Жоме масжидининг тепароғида шоҳ учун махсус қурилган.

У умумий зиёратчилар учун ёпиқ бўлиб, алоҳида ҳоллардагини очилар экан.

Муҳаммад Солиҳнинг келганини эшитиб, Жоме масжидида бизни қаршилаган Эдирнанинг сиёсий ва диний идора расмийлари подшоҳ намоз ўқийдиган хужрани ҳам бизга очиб беришди.

Ажаб, Қиблага қараб ҳукмдор намоз ўқийдиган томонда қабристон бор экан. Шоҳ намозга чўқкалаганда атай унга кўринадиган қилиб шундай қуришган...

Нега бундай деган саволимизга: «Буни меъмори Синон атайлаб шундай қурган. Сен бугун шоҳсан. Лекин эртага борар еринг ҳамма қатори мана шу қабристон бўлишини унутма! Халқдан узоклашиб кетма!», – деган маънода атай шундай қилинган деб бизга тушунтиришди...

Бугун бундан нафақат Туркиянинг, балки дунёнинг бошқа ҳукмдорлари ҳам ибрат олсалар ёмон бўлмасди деган фикр ўтди менинг гуноҳкор кўнглимдан...



Генерал Скобелев

Айнаи Жоме масжидининг бир ерида девордан ўйиб олинган жой махсус рамкага олиб қўйилган.

Бунинг сабабини сўраганимизда ўша пайтдаги Булғористонда Турк х у к м р о н л и г и г а қарши ёрдамга отланган рус генерали Скобелев Эдирнагача келган ва ўз ғалабасининг рамзи сифатида бу маҳабатли ибодатхона деворидан бир парчани эсдалик сифатида ўйиб, ўз юртига олиб кетганини айтишди...

(Давоми кейинги саҳифада)

ИСМАТ ХУШЕВ: МУҲАММАД СОЛИҲГА ОТИЛГАН ЎҚ (3)

(Давоми. Боши олдинги саҳифада)

Биласиз, Генерал Скобелев Ўрта Осиё, хусусан, Қўқон хонлигини забт этишда жонбозлик кўрсатган, маълум муддат бу ерда яшаган таникли рус ишғолчиси Уни ақсар ҳолларда оқ пошшо деб ҳам аташган. У асосан оқ мундир кийиб юргани ва жанглarda ҳамisha оқ тулпор билан иштирок этгани учун ҳам шундай ном беришган бўлсалар, не тонг!

Ажаб, бўлғорларни турк истилосидан ҳимоя қилган Скобелев, такдир тақозоси билан менинг Ватанимга ҳам ишғолчи сифатида қадам ранжида қилган.

Унинг амри билан Қўқондаги боғларнинг бирига: “Бу ерга сартлар (яъни маҳаллий аҳоли – ўзбеклар) нинг кириши мумкин эмас!” деб ёзиб ҳам қўйишган эди...

Хайрат ва “хоин”лик ҳақида...

Мен Эдирна сафари давомида бу ерлик турк дўстларимизнинг Муҳаммад Солиҳга бўлган ҳурмат ва эҳтиромини кўриб, яширмайман, жуда хайрагландим.

Чунки Муҳаммад Солиҳ ҳақида шу пайтга қадар ҳукумат ва муҳолифатнинг у ҳақда билдираётган хабар ва мақолалари орқали хабардор эдим, холос.

Бу матнлар ҳам ўзбек муҳолифати лидери ҳақида асосан ғийбат ва адоватдан, тўхмат ва ҳақоратдан, бидъат ва маломатдан иборат эди.

Бу “хабардорлик” қанчалар ҳақиқатга яқинлиги эса ёлғиз Оллоҳга аён!

Ўзбек ҳукумати ва муҳолифати ёмон кўрган Муҳаммад Солиҳни турк биродарларимиз бу қадар ҳурматини жойига қўйиб, кўнглини ўқситмай, қадрлаб юрганлари, ростки, мени жуда мутаассир қилди...

Муҳаммад Солиҳнинг “На гўзал” номли бир шеърда шундай сатрлар бор:

Бир ёнда ожизу, бир ёнда кучли,

Кураш бошланаркан

тарафма тараф.

Ожизнинг ёнини олганинг учун,

“Хоин” деб ном олмоқ

нақадар шараф!

Туркия давлатининг бугунги мулозимлари ҳам анойи одамлар эмас.

Туркия бугун ҳар жаҳада, хоҳ у сиёсат бўлсин, хоҳ иқтисод ва ё ҳарбий соҳа бўлсин, дунё билан тенг ва борабар қадам ташлаётти.

Шундай бир пайтда Туркия давлати расмий Тошкент учун исталмаган шахс – Муҳаммад Солиҳни ўз паноҳига олиши, унга алоҳида меҳр ва иззат икром кўрсатиши нимадан далолат?

Унинг муҳофазасини таъминлаши орқали турклар “ожиз” Муҳаммад Солиҳнинг ёнини олишига расмий Тошкент эҳтимол у қадар эътибор бермаслиги, бунга оддий ҳол деб панжа орасидан қараши мумкин.

Лекин биз журналистлар бундай қилмаслигимиз, бунга бепарво бўлмаслигимиз ва бунинг илдишларини кидиришимиз керак.

Демак, Ватан тушунишни истамаган Муҳаммад Солиҳда нимадир бор ва шу “нимадир”ни биз журналистлар излаб топишимиз, ўзбек сиёсатидаги бу ажиб ҳолни жиддий мушоҳада этишимиз керак.

Бизнинг профессионал касбимиз шуни тақозо этади. Истак ва хоҳишимиз, симпатия ё антипатиямиз эмас...

Қолаверса, йигирма йилдан бўён хорижда – муҳожирликда юрган Муҳаммад Солиҳ ҳақида ёзганларимни ўқиб, Ватандагилар эҳтимол, Туркия каби, мени ҳам “хоин”ликда айблашлари мумкин.

“Ватандагилар” деганда мен ҳукуматни, ҳукуматдаги узокни кўра олмайдиган айрим мулозимларини назарда тутаяман.

Йигирма йилки, улар бир тараф, Муҳаммад Солиҳнинг ўзи бир тараф бўлиб курашиб келишади.

Ана шундай нотенг кураш кетаётган бир пайтда – мен аслида Ўзбекистон ва унинг Президентига хайрихоҳ бўлсамда, – лекин бу гал “ожиз” Муҳаммад Солиҳ тарафини олишни ихтиёр этган бўлсам, не ажаб!

Ҳолбуки, мен унинг ожиз эмаслигини, у ҳеч қачон ожиз бўлмаслигини яхши биламан...

Дарвоқе, “хоин”лик ҳақида

Аслида журналистни хоин санаганларнинг ўзи хоин.

Журналист касб нуқтаи назаридан ҳамма билан – дўст билан ҳам, душман билан ҳам мулоқот қилиши, Ватан ва халқ истқболи учун ҳар икки томонни ҳам тинглай олиши, уларнинг фикрини шу жафокаш халққа етказа олиши керак...

Айни пайтда мен бир ўзбек зиёлиси сифатида бутун дунёдаги ватансевар ва миллатпарвар ўзбекларнинг ўз юртларида эмин-эркин яшашларини орзу қиламан.

Бу балки ортикча хаёлпарастликдир. Соддаликдир. Аммо бу мулоқот ва бу сарфарнинг ҳам аслида мана шу орзудан келиб чиққанлигини айтиб ўтмай иложим йўқ.

Давр ва замонлар ўзгараяпти. Давлат ва ҳукуматлар, уларнинг кечаги қотиб қолган фикр ва хулосалари ҳам ўзгариши керак. Бугун бўлмаса эртага улар ўзгаришига маҳкум бўлишади.

Муаммолардан қочиб, бошимизни кумга кўмган билан улар ечилмайди.

Ҳақиқатнинг юзига мардона қараб, камчиликларимизни тан олишимиз лозим.

Ҳукумат ҳам, муҳолифат ҳам ўзларини ягона ҳақиқат манбаиман деб билмаслиги, муросаи мадора йўллариини излаши, ахтариши ва топиши керак!

dunyoubeklari.com

ШТАБ ДЕСА ЖИЛМАЙИБ, НОРМА ДЕСА КУЛАМАН...



Пахта терими ҳақида

*Мен пахтани севаман,
Менга пахта ёқади.
Энди менга барибир,
Ким пахтадан қочади.*

*Шимим калта ва лекин,
Узун пайпоқ, шукур, бор.
Бундан буён талаба,
Бўлмас сира бахтиёр.*

*Макарон есам жилмайиб,
Бўлка есам куламан
Чой етмай қолмасин, деб
Соат 4да тураман.*

*Оиқозон деган қабрга
Макаронни кўмганман
Ва устидан бир кусок
Қотган бўлка еганман.*

*Диққат бўлар домлалар,
Боллар сонин санашиб,
Менга эса турибди
Тешик этак ярашиб.*

*Қучоқ-қучоқ тердим мен,
Ҳар нарса ўз ҳолича.
Азизларим, пахтани
Теринг, жониз борича.*

*Пахта термай десангиз
Маслаҳатим олволинг.
Чунтагизга бир пачка
Мингталиқдан солволинг.*

*Теримга эмас, бизни
Синовларга ташлабди.
Домлалар шу нормасиз
Девонаю Маширабдир.*

*Штаб деса жилмайиб,
Норма деса куламан
Бир шапалоқ уришса,
Жим сўкиниб тураман.*

*Агат деган қабрга
Пахталарни кўмганман.
Ва устида фермерга
Брек тушиб берганман.*

*Хомуш қизлар баъзилари
Сочин битин санашиб.
Менга эса турибди
Ўғрилиш ҳам ярашиб.*

*Ғўза-ғўза, гул-гулдир
Ҳаммаси ўз ҳолича,
Дўстларим ҳазилимни
Қабул қилинг, борича!!!*

ozodlik.org



ҚАМБАРОТА-1; ҚОЗОҒИСТОН ЛОЙИҲАГА ҚУШИЛМОҚЧИ, ЎЗБЕКИСТОН «ШАЛЛАҚИГА» ЧИҚАРИЛДИ

Ўзбекистон БМТ Бош ассамблеясида Қирғизистонда Россия сармояси ҳисобига барпо этилиши режалаштирилган Қамбарота-1 ГЭСига қарши эканини эълон қилган бир пайтда Бишкек расмийлари Тошкент билан бир позицияда бўлган Қозоғистон мазкур лойиҳада иштирок этишга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясида Қамбарота-1 ГЭСи қурилишига ўз мамлақати қарши экани тўғрисидаги билдируви Қирғизистондаги айрим газеталар томонидан “шаллақилик” сифатида қабул қилинди.

Масалан, Бишкекда нашр қилинадиган ва ҳукуматга мойил бўлган “Ғабула” газетаси 1 октябрдаги сонида “Ўзбеклар уввос тортмоқда” деган сарлавҳа билан хабар эълон қилди. Хабарда Абдулазиз Комиловнинг нутқиға “Қирғизистонда ГЭС қурилишига қатъий қарши чиқаётган Ўзбекистон ҳукумати БМТ йиғинида ўз ғам-андухларини айтиб, шаллақиларча дод-вой солди”, деб баҳо берилган.

Абдулазиз Комилов сентябр ойи охирида БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида, жумладан, мана буларни айтган эди:

-Халқаро меъёрларга асосланган ҳолда, сувдан фойдаланишдаги асосий талабларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Марказий Осиёдаги чекланган сув захиралари биринчи навбатда истеъмол қилиш ва санитария эҳтиёжларига, шундан кейингина озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экологик эҳтиёжлар, ишлаб чиқариш ва энергетика соҳаси эҳтиёжлари учун фойдаланилиши керак.

Ўзбекистон расмийси шу муносабат билан ўз мамлақати Тожикистондаги ва Қирғизистондаги ГЭСлар қурилишига қарши эканини, Амударё ҳамда Сирдарё муайян бир давлатнинг эмас, балки минтақа давлатларининг умумий ризқурўзи эканини таъкидлаган.

БМТ Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаган Қирғизистон ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев эса Ўзбекистон ҳукуматининг ГЭСлар масаласида эгаллаган позицияси хато эканига шайма қилган. Эрлан Абдилдаевнинг айтишича, ГЭС қуриш ёки қурмаслик

Қирғизистоннинг қонуний ҳукуки ва Қамбарота-1 ГЭСининг барпо этилиши минтақа давлатлари учун фойдали бўлади.

Қирғизистон Россия билан бир қатор ГЭСларни ҳамкорликда қуриш юзасидан шартнома имзолаган. Айни пайтда Норин ГЭС каскадларини қуриш ишлари бошланган. Қамбарота-1 ГЭСи тўлалигича Россия сармоясига қурилади. Гидроиншоот барпо этилгач, Россия

Қамбарота-1 ГЭСининг 50 фоиз акциясига эгадорлик қилади.

Ҳап шундаки, Қамбарота-1 ГЭСи барпо этилгач, Қирғизистон ва Россия минтақадаги сув захирасининг асосий қисмини назорат қилишимқониятига эга бўлади.

Ўзбекистон томони бундай ҳукумронлик Марказий Осиёда кўплаб экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаришини билдирган ҳолда, мазкур ГЭС қурилишига қарши чиқиб келмоқда.

Бир неча йил олдин Россия, кейинроқ эса Қозоғистон президентлари Ислон Каримов билан учрашувдан сўнг ўз давлатлари Қамбарота-1 ГЭСи қурилиши юзасидан Ўзбекистон позициясини қўллаб-қувватлашларини билдирган эди. Бироқ Россия жорий йилда Қирғизистонда ГЭСлар қурилишини бошлади. Қирғизистон ҳукумати Қозоғистон ҳам Қамбарота-1 ГЭСи қурилишидан манфаатдор эканини билдиргани ҳақида эълон қилди:

-Қирғизистон ва Россия ўртасида Қамбарота-1 ГЭСи юзасидан имзоланган шартномани мен энг тўғри қарор деб ҳисоблайман. Биз бу лойиҳага учинчи томон ҳам қўшилиши мумкинлигини очик билдириб келаяпмиз. Қозоғистон ГЭС қурилишида иштирок этишга тайёр эканини билдирди. Биз Қозоғистоннинг бу қарорини ижобий баҳолаймиз,- деди Қирғизистон Бош вазири Жонтўра Сатибалдиев 30 сентябрда журналистлар билан қилган мулоқоти чоғида.

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев эса ўз мамлақати ГЭС қурилишига Ўзбекистонни ҳам шерик қилишдан манфаатдор эканини, бу масалада Ўзбекистон томони ўз позициясини ўзгартиришига умид қилишини бир неча бор айтиб чиққан эди.

Россия 2012 йилнинг сентябр ойида Қамбарота -1 ГЭСини Қирғизистон билан ҳамкорликда қуриш юзасидан шартномани имзолаган эди. Тахминий ҳисоб китобларга қараганда, ГЭСни қуриш учун 2 миллиард доллар маблағ талаб қилинади.

Қамбарота -2 ГЭСининг Қирғизистон кучи билан 200 миллион долларга қурилган илк агрегати эса 2010 йилнинг 30 августидан ишга туширилган.

ozodlik.org

4 ОКТАБРЬ - ФИТРАТ, ЧЎЛПОН, ҚОДИРИЙЛАР ҚАТЛ ЭТИЛГАН КУН



1938 йил.
4 октябрь...
Миллатимизнинг асл зиёдилари Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийлар қатлиом этилган — отилган кун... Қора кун...

А ж д о д -
ларимизнинг охираги обод бўлсин. Руҳи

поклари олдида Уларга муносиб ворис, асл ватанпарвар бўлайлик... Улар Озодлик учун, Эрк учун курашдилар!

*Куз чоғи... тупроқлар
гезариб қолдилар,
Гезариб қолдилар
куз чоғи тупроқлар.
Сўнг дамда япроқлар
қизариб қолдилар,
Қизариб ёндилар сўнг
дамда япроқлар.*

*Қаргалар боғларда
қағлашиб қолдилар,
Билмадим, кимларнинг
қисмати узулур?
Ёнғоққа ёпишиб,
бир чангал солдилар,
Билмадим кимларнинг
умиди йўқ бўлур?*

*Эй, совуқ эллардан муз
қийиб келганлар,
У кўпол тушингиз
қорларда йўқ бўлсин!
Эй, маним бозимдан
мевамни тергонлар,
У қора бошингиз ерларга кўмилсин!*

*Билмадим, кимларнинг
умиди йўқ бўлур,
Сўнг дамда япроқлар
қизариб ёндилар.
Билмадим, кимларнинг
қисмати узулур,
Куз чоғи... тупроқлар
гезариб қолдилар?*

*...Йўқ, ўлим йўқдир!
Елгиз бир ўчиб,
бир сўниш бордир.
Бир ўчиб бир сўниш бордир.
Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор,
Яна баҳорлар,
Яна лолалар,
Яна сиз... эркин тилаклар!*

Абдулҳамид Сулаймон
ўғли Чўлпон



Кўпчилик ошхона ва дўконлар эгалари ўзлари ёпиб қўйишган. Вилоятларда бензин, саларка йўқлиги сабабли 1.5 литр ёқилги нархи 7-9 минг сўмга қўлда чиқиб кетган. Свет ўчиб кетгани эвазига кишлоқларда холодильниклар, кондиционерлар, ҳатто ТЕЛЕВИЗОРларини аллақачон сотиб юборишган. Россиядан ҳам қувилиб келаётган халқ қаерга боришини, нима иш қилишини билмай, дик-

деб кўрсатишибди. Норозилик билдирмокчи бўлганларга ишдан бўшаб кетиши тўғрисида уқтирилибди.

Но илож ўша жойда ётишибди. Бошқалари айтишича улар қараётган болалар жойда СЭС ходимлари келиб текшириб, врачни айблаб акт тузибди. Актда болалардан Инфекция касали топилган врач жавобгар дейишибди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛОНЧИЛИК!

Тахририятимизга Ўзбекистондаги жирканч ва тубан режимдан шикоят қилаётган мактублар тез-тез келади. Уларда асосан, режимнинг халққа ўтказайётган зулми, уларнинг ноҳақликлари ва қийноқлари аке этади. Одамлар ҳатто, шикоят қилишга ҳам қўрқиб қолишган. Пахта мавсуми бошлангандан буйн зўравонлик авж олган. Ҳар бир уйга кириб одамларни пахта даласига ҳайдашяпти. Бормаганларни эса талашяпти. Тадбиркорлардан эса пул ундиришяпти, у пуллар кимни киссасига тушаётганлиги номаълум. Каримовни ва қизини мақташдан чарчамайдиган тўтиқуш ОАВлари шундай масалаларга келганда, негадир сукут сақлашади

Куйида Ўзбекистондан юборилган мактубни аслича сизга ҳавола этамиз.

«Махалла раислари, Солиқ инспекцияси, ИИБ ходимлари ва Хокимиятдаги мутасаддилар тадбиркорларга пахтага чиқишларини қаттиқ талаб қиляпти. Агар пахтага чиқишмаса улар Солиқ буйича кирдикор топиб катта миқдорда жарима солиши мумкинлиги ёки электр энергия ёки газни ўчириб кетишини айтиб тазийқ ўтказишмоқда.

Ёки яхшилиқча 10 кунда 300 000 минг сўм беришимизни талаб қўйяпти.

татор И.А. Каримов ва оиласидан норози бўлиб Қўзғолон қилишга тайёр бўлиб туришганини айтишяпти. Ушбу ҳолат Республикамизни барча вилоятларида сезиларли, очик-ойдин айтиляпти. Ҳа яна Мед врачларни ва ҳамшираларни оқ халатида ишдан мажбурий пахтага чиқариб кетишмоқда. Кўпчилигини айтишича ётарига иш жойидан туғри олиб кетаётган экан.

Улар бориб қарашса ётиш учун ҳеч қандай шароит йўқ, кўрпалар сасиб чириб кетган жойга мана шу ерда ётасанлар

Лекин исмини ошкор қилгиси келмаган врач шундай дейди: «Болалар қўлмак сув, яъни зебрдан сув ичса мен нима қилай бу тўғрисида катталарга бир неча маротаба ёзма мурожаат қилган экан.

Шунга қарамай СЭС ходимлари врачни айблаб жарима солибди.

Ушбу маълумот Халқни сўзидан олинган бўлиб, ҳозирча ўзини ошкор қилмаслигини сўраган Фуқародан олинди».

ХАЛҚ СЎЗИ

3 МИЛИЦИОНЕРНИ 2 ҚИРҒИЗИСТОНЛИККА АЛМАШТИРДИ

Чегарадан ноқонуний ўтгани учун Қирғизистонда қўлга олинган Ўзбекистоннинг уч милиционерини Тошкент икки қирғизистонликка алмаштирган.

2 октябр куни Қирғизистон Чегара хизмати Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида чегарани ноқонуний кесиб ўтган фуқаролар билан алмашинув бўлганини билдирган, аммо уларнинг ким эканини очикламаган эди.

Қирғизистон Бош вазири ўринбосари Т. Мамитовнинг билдиришича, жорий йил март ойида чегарадан ноқонуний ўтгани учун Наманганда беш йилга озодликдан маҳрум этилган икки қирғизистонлик шу йилнинг 14 сентябрида Қирғизистоннинг Олабука туманида қўлга олинган икки ўзбек милиционерига алмаштирилган.

Ўзбекистон милиционерлари Косонсой сув омборини кўриқлаётиб Қирғизистоннинг Олабука туманига ўтиб қолган эмиш... (Косонсой қаердаю, Олабука қаерда?).

Фуқаролар билан алмашиш ҳақидаги қарор Ўзбекистоннинг Наманган вилояти ҳокими ва Қирғизистон ҳукуматининг Жалолобод вилояти буйича мухтор вакили ўртасида бўлиб ўтган музокара натижасида қабул қилинган.

ozodlik.org

ПАХТА ПЛАНИНИ БАЖАРИШНИНГ ЭСКИ УСУЛИ



Бир ҳафтача олдин Каттакўрғонда дўстлар йиғинида катнашдим. Йиғилдик, бир-биримиз билан сўрашдик, ҳасратлашдик, турли туман мавзуларда суҳбатлашдик. Суҳбат давомида мавзу айланиб пахта терими кампаниясига бориб тақалди. Бу йил бизда ҳосилнинг чўғи паст, ҳосилдорлик гектарига 15 центнердан ошмайди, деди оқдарёлик суҳбатдош.

Бизда бундан ҳам баттар, суҳбатни давом эттирди иштихонлик дўстим. Ҳамма бало агротехника коидаларига амал қилмасликда, бизда ҳам ахвол шундай, дея суҳбатга кўшилди каттакўрғонлик хонадон соҳиби. Бу гапингизни сал изоҳлаб беринг, илтимос қилдим мен хонадон соҳибидан. Ҳа энди, ерни шудгорлаш, алмашлаб экиш, пахтанинг чопиғи ўлда-жўлда. Чунки, кўпчилик Россия ва бошқа юртларга мардикорликка кетганлиги туфайли, ишчи кучи етишмайди. Ишчи кучи топилганда ҳам унинг меҳнатига яраша ҳақ тўланмайди, пахтага номгагина бир-икки марта сув қўйилади. Пахта учун ажратилган кимёвий ўғитлар бошқа харажатларни қоплаш учун ижарачи поллизчиларга ённки томорқачиларга сотиб юборилади. Шуларнинг бари савил қолгур пахта агротехникаси, билмасангиз билиб қўйинг, деди сал қўлим-сираб. Пахта ҳосилдорлиги бу йил кам бўлса план нима бўлади деган қўшимча саволим-

га оқдарёлик дўстимиз. Ўша ўзингиз билган, советлар замонидан қолган эски усулни қўлашади, яъни режа амалда эмас қоғозда бажарилади, деди истахзоли қулиб.

Бундай усулни қўллаш аллақачон бошланган деди суҳбатга кўшилиб иштихонлик дўстим. Бизларда туман ҳокимлиги томонидан мактаб ўқитувчиларига уйма-уй юриб, ҳар бир ўқитувчи 25 хонадон соҳибидан ўз оила аъзолари билан пахта теримида катнашиб, ҳокимлик томонидан кўрсатилган килограмм пахтани териб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишлиги ҳақида тилхат олиб келиш топшириғи берилган. Ўша тилхатда хонадон соҳибининг паспорт рақами ҳам кўрсатилган бўлиши шарт. Агарда ўша оила тилхатда кўўрсатилган килограмм пахтани териб бера олмаса, ўз пулига сотиб олиб беришга мажбур қилинади.

Пахта экилмайдиغان Тайлоқ туманидан келган суҳбатдош уларда ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа давлат ташкилотлари ходимлари ўн кундан пахта теримига сафарбар қилинаётганлиги, агарда пахта теримида кимдир бирор бир сабабга кўра катнаша олмаса, 300 минг сўмдан 500 минг сўмгача пул тўлашга мажбур қилинаётганлигини қуйиниб сўзлаб берди. Ўқитувчилардан нафақага чиққан жомбойлик отахон ўзи яшайдиган туманда экилган пахта давлат режасига кирмаслигини, лекин уни экиш, парваришлаш ва йиғиб-териб олиш ишларига муносабат ҳамма жойдаги каби эканлигидан гапирди.

Хулласки, Самарқанд вилоятида пахта йиғим-терими шу кунларда айна «қизғин» паллада!

ЎХХнинг Самарқанддаги муҳбири

Гулноза Сайдазимова 26.04.2006

Рўйхатга олинмаган "Эрк" Демократик партияси Ўзбекистонда 2007 йилда бўладиган президентлик сайловига ўз номзодини тақдим этди. Бироқ, амалдаги қонунларга биноан, Солиҳ президентлик учун беллаша олмайди: у конституция талабига кўра, президентлик сайловига қадар кейинги ўн йил ичида Ўзбекистонда яшамаган, шунингдек, у 1999 йилда экстремизмда айбланиб, сиртдан узоқ йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган. "Эрк" партияси Солиҳни сайловда қатнаша олиши учун бу каби тўсиқларни енгиб ўта оладими?

"ЭРК" ПАРТИЯСИ ЎЗ НОМЗОДИНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАҚДИМ ЭТДИ

ПРАГА, 25 апрель 2006 йил (RFE/RL) - "Эрк" Демократик партияси 2007 йилда бўлажак президентлик сайловига номзод сифатида ўз лидери М.Солиҳни тавсия этди. "Эрк" партияси бош қотиби Отаназар Ориповнинг баёнотига кўра, партия Марказий Кенгаши 2007 йилги президентлик сайловига номзод сифатида кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилган. Бироқ, Солиҳ номзод бўлиши учун бир қанча тўсиқликлар бор. У 1993 йилдан буён мухожиротда яшаётгани боис расман номзод бўла олмайди. Чунки мамлакатдан ташқарида ўн йилдан ортиқ вақт яшаган киши президентликка ўз номзодини кўйиши амалдаги қонунларга кўра таъқиқланган. Шунингдек, Солиҳ сиртдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва Ўзбекистон ҳукумати учун унинг номи кидирувдаги кишилар рўйхатида турибди.

Айни пайтда Европада яшаётган М.Солиҳнинг "Озодлик" радиосига айтишича, у Ўзбекистонни ўз ихтиёри билан тарк этмаган. "Мен ҳаётим хавф остида қолганлиги туфайли, кучли босимлар остида бу ишни қилдим", деди у.

Суд ҳукми эса асосланмаган

"Биз ҳозир 1999 йилда чиқарилган маҳкама қарорини (мени экстремизм бўйича айбли деб топишган) асосизлигини исботлаш учун ҳаракат бошлаганмиз. Бу иш айни пайтда БМТнинг Женевадаги Инсон Ҳуқуқлари бўйича Кўмитасида кўриб чиқилмоқда. Кўмита мени аризамни қабул қилиб олди ва Ўзбекистон судига қақурув хати йўллади, ҳозир Ўзбекистон ҳукуматидан жавоб кутмоқда. Агар сайловга қадар бу иш кўриб чиқилса, мен Ўзбекистонга қайтиб бориб, бу сиёсий тadbирда қатнашиш имкониятига эга бўламан", дейди М.Солиҳ ўзига кўйилган айблов ҳақида.

Шоир ва сиёсатчи М.Солиҳ Ўзбекистон сиёсий сахнасида собиқ СССР пайтида, 1980 йиллардаги Михаил Горбачёвнинг "қайта қуриш" сиёсатидан сўнг пайдо бўлган. Кўпгина муаммолар ичида, у ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши талаб қилиб чиққанди. Шунингдек, у Ўзбекистондаги пахтачилик ва ғаллачилик маданиятлари билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги муммолари ҳақида гапирганди.

У ўзбек ёшлари ичида кўп ўтмай таниқли шахсга айланди ва 1988 йилда "Бирлик" ҳаракатини ташкил этди. Ордан бир йил ўтиб, 1989 йилда расман рўйхатга олинган "Эрк" партиясини ташкил этиш мақсадида Солиҳ "Бирлик"дан чиқди.

Солиҳ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонунчилик органи Олий Кенгаш депутаты бўлди. У 1990 йилда Ўзбекистон Парламенти кун тартибига "Мустақиллик Декларацияси"ни олиб чиқди ва овозга кўйди. Мустақиллик декларацияси ўша пайтда Ўзбекистон ССР коммунистик

лар фикрларидан келиб чиқиб ва журналист сифатида айтишим мумкин, мен билан тенгдош, ёши қирқларга борган кишилар, Каримов режимига қарши тура оладиган куч борлигига ишонмай кўйишган. "Эрк" ёки "Бирлик", улар хоҳ маъмурий, хоҳ иқтисодий ёки сиёсий бўлсин, Каримов ислохотларида муқобил дастурни ишлаб чиқиш даражасида эмаслар.

Чунки амалдаги ҳукумат олиб бораётган ишлар уларга маълум". Бироқ М.Солиҳ ўзининг партияси Ўзбекистонда жуда ҳам кўп тарафдорларга эга эканлигини таъкидлайди. "Эрк" лидерининг

партияси раҳбари бўлган Ислон Каримовнинг қаршиликларига қарамасдан, кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат 1991 йилнинг 31 августидан қайтадан эълон қилинган Совет Иттифоқидан Ўзбекистонни мустақил бўлиши йўлидаги дастлабки ҳуқуқий қадам эди.

Каримов билан беллашув

1991 йилги президентлик сайловида Солиҳ Каримов билан беллашди. Амалдорлар Каримовни "ғолиб" деб эълон қилишди, Солиҳ, расмий маълумотларга кўра, 12,7 фоиз овозга эга бўлган. "Эрк" партияси сайловлар сохталаштирилганини таъкидлайди.

Солиҳ 1993 йилда ҳукумат қағони ва босимлар остида Ўзбекистонни тарк этди. "Эрк" қайтадан рўйхатга олинмади ва унинг фаолияти Ўзбекистонда ноқонуний, деб эълон қилинди.

Тошкентда 1999 йилнинг феврал ойида 16 киши ҳалок бўлган портлашлардан сўнг "Эрк" лидери экстремизмда айбланиб, сиртдан суд қилинди ва 15 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ўзбекистон ҳукумати уни 1997 йилда Ўзбекистон Ислоний Ҳаракати раҳбари билан тушган суратини далил сифатида келтириб, уни ЎИХ билан тил бириктирганликда айблади.

ЎИХ 1990 йилнинг охирида Каримов режимини ағдариб ташлаш ва Марказий Осиёда халифалик ўрнатиш мақсадида ташкил этилган. ЎИХ 2000 йилдан бошлаб АҚШ Давлат Департаментининг Террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Солиҳ ўзини ҳар қандай террорчилик ҳаракатида иштирокини қатъий рад этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил ташкилотларга кўра, Солиҳга қарши кўйилган айблов сиёсий сабабларга эга.

Мавжуд ҳуқуқий тўсиқларга қарамай, Солиҳ Ўзбекистондаги сайловчилари кўлловига эга бўлиши мумкин. Баъзи бир кузатувчиларнинг айтишларича, Ўзбекистон ташқарисида 13 йилдан буён яшаётган Солиҳ мамлакат ичида у қадар таниқли эмас.

Канадада мухожирликда яшаётган ўзбекистонлик мустақил журналист Алимардон Аннаев бу борада шундай дейди: "Мен билан суҳбатлашган киши-

фикрига айни пайтда мухожирликда яшаётган ўзбек журналисти Юсуф Расул қўшилишини билдирди. У Ўзбекистонда бундан кейин ким президент бўлиши борасида сўровнома ўтказган "Исёнкор" интернет саҳифасига раҳбарлик қилади: "Сўровномани икки ой давомида амалга оширдик", дейди Юсуф Расул.

Унинг фикрича, сўровномада қатнашган кишиларнинг саксон фоизи Солиҳни бўлажак президент деб билишади. Каримов сўровномада атиги 4 фоиз овоз олган, 15 фоиз овоз берганлар бошқа кишини президент сифатида кўришни исташади". Бироқ, Юсуф Расулнинг таъкидлашича, "Эрк" партиясини бугунги шароитда Муҳаммад Солиҳ номзодини президентлик сайловига тақдим этиши ҳеч қандай натижа бермаслиги мумкин.

Мухолифатдаги кучлар ва ўзгача фикрловчилар учун ҳуқуқий асослар йўқлиги ҳар қандай норасмий партия вакилини, жумладан, Солиҳни ҳам президентлик сайловида қатнашишига имкон қолдирмайди. Фақат ягона бир йўл – инқилоб билангина Солиҳ ёки Каримов режимига қарши бўлган бошқа киши президентликка номзод бўлиши мумкин".

"Эрк" сайлов кампаниясини амалга ошириши учун молиявий манбага эгами ёки у Ғарб кўлловига сазовор бўла оладими, бу аниқ эмас. Солиҳ ўтган йилнинг ёзида Қўшма Штатларга ташриф буюрди. У Конгресснинг кўзга кўринган аъзолари ва Миллий Демократия Институтини, Халқаро Республикачилар Институтини, Вашингтонда асос солинган IFES Сайловларга қўмаклашиш Агентлигини каби бир қанча нуфузли нодавлат ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

АҚШлик мулозимлар фикрича, Солиҳнинг Вашингтонга сафари Америка давлат маъмуриларини ўзбек мухолифати билан янги алоқаларини намоён этмайди, бу одатдаги бир учрашувдир. Ушбу баёнот Каримов Америка ҳарбийларини Ўзбекистондаги авиабазадан ҳайдаб чиқармасидан олдин янграган эди.

(Мақоланинг рус тилидаги таржимасига кўра Юсуф Расул ўзбекчалаштирди)

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



”Инсоннинг генетик лойиҳаси” да ишлайдиган таниқли америкалик тадқиқотчи доктор Коллинз: “Мукамал генетик тузилма-мизда “Тангри гени” дейилган бир ген мав-

жудлиги аниқланди. Бу гени актив (фаол) бўлмаган кишиларнинг иймонсиз бўлишини аниқладик. Аммо ҳозиргача амалга оширган тадқиқотларимизда “Тангри гени”ни активлаштирувчи (фаоллаштирувчи) ташқи бир таъсирини топа олмадик. Атроф-муҳитдаги ўзгаришлар ҳам, наслий сабаблар ҳам “Тангри гени”га таъсир қила олмайди. Тангри генининг мўжизавий тарзда актив (фаол) ҳолга келиши инсонларда иймон пайдо бўлишига олиб келишини тушундик”, дейди.

Яъни фақат Аллоҳнинг истаги ва иродаси билангина иймон гени активлашиши (фаоллашиши) мумкин.

Худди шунингдек, актив (фаол) иймон генини пассив (суст) ҳолга келтиришга ҳам Аллоҳдан ўзга ҳеч ким қодир эмас: “Аллоҳ ўзи истаган одамни йўлдан оздиради, ўзи истаган одамга хидоят (тўғри йўл) кўрсатади. У мутлақ куч соҳибидир, ҳукм ва ҳикмат эгасидир.” (“Иброҳим” сура-си, 4)

Нанотехнология

Нанотехнология ва ген технологияси маҳсулотлари - янги кўшимча моддалар ва тиббий дорилар

Нанопарчалар: модданинг атом-молекуляр даражада юзага чиқарилган янги хусусиятларига эга парчаларидир.

Олтин каби қимматбаҳо модда ҳам нанопарча ҳолига келтирилганда хавфли кимёвий катализаторга (тезлаштирувчига) айлангани аниқланган.

Титандиоксид (TiO_2): дунёда энг кўп қўлланиладиган минерал бўлиб, нанотехнологияда қўлланиладиган асосий уч модддан биттаси.

Титандиоксид нанопарчаларининг атом тузилмаси ўзгартирилиб, “янгидан тикланган” модда.

Нур (фотон) титандиоксид нанопарчаларига тушганда, органик модда кимёвий реакция натижасида

парчалана бошлайди.

Бу сунъий фотосинтез ўсимликлардаги фотосинтезга ўхшайди.

Фотосинтез - карбондиоксид (углерод диоксида) ва сувнинг, шунингдек, нурнинг таъсирида органик модда, яъни озукка моддасининг ишлаб чиқарилишидир.

Фақат титандиоксид ўсимликлардан фарқли равишда, органик моддаларни парчалаб, уларни карбондиоксид ва сувга ажратади, яъни тамоман тескари ишни қилади.

Яъни титандиоксид нанопарчалари ҳар қандай органик модда ёки тирик ҳужайра билан алоқа қилган тақдирда, у, жонли тўқиманинг, айниқса, протеиннинг парчаланishiга ва протеин вазифаси (функцияси)нинг ўзгаришига сабаб бўлувчи кўрқинчли кимёвий реакцияни бошлаб беради.

Нанопарчаларнинг тирик организмга таъсири

Нанопарчаларнинг тирик организмга қандай таъсир қилишини ўрганиш учун дафния ва балиқларда тажриба ўтказилган

Инфузориялар (дафния) ва балиқлар устида олиб борилган тадқиқотларда аквариумга (сувга) карбон (углерод) нанопарчалари ташланган. Икки кундан кейин аквариумдаги инфузориялар тез суръатда ўлабошлаган, балиқларнинг мия ҳужайраларида эса зарарлар кузатилган.

Туркияда нанопарчаларнинг тирик организмга таъсирини ўрганган тажрибалар карбон (углерод) нанопарчаларини сувга кўшиш билан давом эттирилмоқда. Фақат бу карбон (углерод) нанопарчалари инфузорияларнинг сувига эмас, одамлар ичадиган сувга кўшилмоқда!

Бугунги кунда нанотехнология энг кенг ишлатилаётган соҳа тиббиётдир. Нанотехнология ва ген технологияси усуллари билан гормон, фермент, витамин, аминокислота каби жуда кўп янги дорилар ишлаб чиқарилмоқда. Дорилар, озик-овқатлар, ичимликлар, туз ва сув билан инсон организмга қираётган нанопарчалар инсон вужудида қандай руҳий ва жисмоний реакцияларга сабаб бўлиши ҳали билинмаяпти.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Рекомбинант ДНК дориларнинг физиологик зарарларини аниқлаш имкони йўқ. Иммуниетет тизимларининг хусусиятига кўра, ҳар кимда ҳар хил физиологик бузилиш-

лар юзага келади.

Маълумки, организмнинг руҳий ва жисмоний функцияларининг назорати, тизимлар ва аъзолар ўртасидаги мувозанат муҳофазаси, ҳужайрадаги ишловлар назорати, тўқималарнинг озикланиши ва янги-гиланиши, қолдиқларнинг вужуддан чиқариб ташланиши каби ишловлар фермент ва гормонлар воситасида қилинади.

Агар бу фермент ва гормонлар синтетик бўлса, уларни қабул қилган киши бу моддаларга қарам бўлиб, синтетик модда ёрдамида бошқариладиган роботга ўхшаб қолади.

Психологик уруш усталари инсоннинг руҳини гаровга олиш стратегиясини кўздан бери амалга ошириб келишмоқда.

Ҳозирда биз кўринмайдиган бир урушнинг ўртасида яшайпмиз.

Бугунги кунда дори, озик-овқат, мусиқа, кино, ген технологияси ва нанотехнология (психотрон ва психотроп курул саноати) инсониятни ваҳимали бир яқунга тез суръатда етаклаётгани аниқ кўриниб турибди.

Зеҳнни узоқдан назорат қилиш чегарасиздир.

Телевизор, кино, видеокамералар, компьютер ва сунъий фазовий йўлдошлар (спутниклар) билан инсон миясига ишлов бериб, марказий бир Суперкомпьютер воситасида, инсонларнинг бутун хатти-ҳаракатларини идора қилиш мумкин.

Нанокөмпозит ва амалгама плөмбалари, имплантлар, протезлар, нанотехнологик маҳсулотли суяк кукуни каби дориларнинг тиш ёки милкларга ишлагилиши ҳам кутилмаган таҳликалар туғдириши мумкин.

Масалан, оғиздаги плөмба чип бўлиши мумкин. Бу чип воситасида бемор “марказий компьютер”га автоматик боғланиб, унинг зеҳни бошқарилиши мумкин. Сунъий аъзолар (протезлар)га эга кишилар мияларига жойлаштирилган битта туз донаси ҳажмидаги микрочип протезларни ҳаркатлантиргани каби, ўша одамни ҳам узоқдан бошқариш учун етарлидир.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош